# 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ







**Ватан, миллат равнақи, маданиятимиз гуллаб-яшнашига бемисл ҳисса қўшган улуғ санъаткорлар номини эл-юрт ҳеч қачон унутмайди. Ўз умрини санъатга, ўзбек миллий театри ривожига бағишлаган такрорланмас истеъдод соҳиби Шукур Бурҳонов сиймоси шогирдлари, мухлислари қалбида ҳамиша барҳаёт. Халқимизнинг қадимий мумтоз наволарини қайта тирилтириб, миллий куй-қўшиқларимизнинг юксалиши йўлида кўп заҳмат чеккан Юнус Ражабийдек устозларни ҳар қанча ардоқласак оз. Саҳнада, экранда, ҳаётда ҳам ҳамиша ибратли сиймо бўлиб келган Наби Раҳимов барчамизга бирдек қадрли инсон эди. Ўзбек халқининг аяси номини олган беназир санъат соҳибаси Лутфихон ая Саримсоқова ҳам авлодлар қалби тўридан жой олган. Болажон халқмиз, оилаларда келинларнинг меҳрибон тарбиячиси, шу билан бирга қаттиққўл ва меҳридарё қайнона сиймосини ярата олган моҳир актриса Зайнаб Садриеванинг номини эшитганда барчанинг юзида самимий табассум пайдо бўлиши табиий. Бетакрор овоз соҳиби Отажон Худойшукуровнинг куй-қўшиқларини эса бутун вужудимиз қулоққа айланиб тинглар эдик. Бу санъаткор орамиздан анча эрта кетган бўлса-да, унинг созу овози қалбларда ҳамон жаранглаб турибди. Ўзбекнинг содда ва самимий хислатларини аския санъатининг юксак чўққисига олиб чиқолган кулгу устаси, давраларга қанчадан-қанча хурсандчилик улашган, кўнгилларни шодликка тўлдирган Муҳиддин қизиқ каби санъаткорларнинг йўлини шогирдлари давом эттиришмоқда.**

**Бугун санъатимиз дарғаларининг айримларини хотирладик, холос. Уларнинг сиймолари ҳамиша, ҳар доим қалбларимизда.**









# ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ МУСИҚИЙ ТАФАККУРИ

*Навоий гулшани*

Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари олтмиш йиллик умрини қизғин ижод ва ижтимоий фаолият билан, илм ҳамда дунёни, унинг гўзалликларини англамоқ заҳматлари билан ўтказди. Дастлабки алифбо сабоғини отаси Ғиёсиддин Муҳаммаддан олган бўлса, шеърият сирларини – Мавлоно Яҳъё Себак (аруз фани), Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳамда тоғалари Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийдан ўрганади. Кичик тоғаси, Навоий таъбирида – «кўпроқ сөзларда яхши» талқинли, «уни ва усули хўб» бўлганлиги ва «мусиқий илмидин хабардор»лиги боис, ёш Алишернинг айни мусиқа саводини ҳам унда чиқарган дейишга асос беради.

Бироқ, мусиқадан асосий сабоқларни Навоий ҳазратлари ўша даврнинг ном қозонган дарғаларидан бири Хожа Юсуф Бурҳондан олган кўринади. Зеро, у, шоир эътироф этганидек: «...мусиқий илмини ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шогирдимен. Кўпроқ ўз шеър(лар)ига мусиқий б о ғ л а р /таъкид бизники. Т.Ғ.) эрди. «Исфаҳон» амалини бу байтиға боғлабтурким:

**Расид мавсуми шодию айшу тараб,**
**Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб».**

Яъни:

**Шодлик, завқ ва хушчақчақлик мавсуми етишди,**
**Агар гадо ҳам ўз дилидаги муродига етишса не ажаб.**

Беназир шоир таржимаи ҳолидан яна шулар маълумки, у қаерда бўлмасин – Ҳиротдами, Самарқанддами, Машҳаду Астрободдами, доимо ёнида бастакорлардан Хожа Абдулло Марварид, Паҳлавон Муҳаммад, мусиқашунослардан Абдураҳмон ва Муҳаммад Жомийлар, ўнлаб созандаю хонандалар бўлишган ҳамда мусиқа ижоди ва ижрочилиги, илми борасида изчил мулоқотлар ҳамиша давом этган.

Ҳозир мусиқашунослигимизда «Навоий ва мусиқа» мавзуи «Навоийнинг бадиий асарларида мусиқанинг ўрни», «Навоийнинг илмий асарларида мусиқа», «Навоий шеърияти ўзбек мусиқа фолклорида», «Навоий ва ўзбек мумтоз мусиқа мероси», «Навоий – бастакорлик ижодиётида», «Навоий ва XX аср ўзбек мусиқаси» каби йўналишларда тадқиқ этилмоқда.

Алишер Навоий бадиий меросининг деярли барча қатламлари – маҳобатли «Хамса» (50 минг мисра атрофида), бутун ҳаёти мобайнида изчил яратилган «Хазойин ул-маоний» (44900 мисра) ва «Девони Фоний» (12 минг мисра)да, шунингдек, бошқа асарларида ишлатган жами 26 мингдан зиёд сўзлар орасида юзлаб махсус мусиқий-касбий атама, тушунча, ибора ва хусусий б и р и к м а л а р учрайди. Буларни қуйидаги тарзда муайян таснифларга бўлиш мумкин:

–ч о л ғ у л а р: даф, доира, ноғора, дўмбира, кўс, дўл; жиложил, занг, зангула; мизмор, най, карнай, нафир, бурғу (сурнай), сибизға; уд, руд, чанг (ченг), барбат, қонун, рубоб, танбур; қўбиз, ғижжак; арғанун;

–мусиқий ш а к л (ж а н р)лар: достон, ёрёр, ўлан, марсия, нақш, пешрав, навба, реҳта, туюқ, тарона, қўшиқ, суруд, жирсавт, кор, амал, саж, қавл, чинга;

–мусиқа а с а р и: кўк, куй, лаҳн, наво, нола, туркона, тасниф, алҳон;

–мусиқий асарлар талқинчиси: лаҳнпардоз, лаҳнсоз, алҳончи, алҳоннамой, алҳонсаро, навосоз, навобахш, навогар, достоннавоз, барбатзан, мутриб, муғанний, удзан, рудзан, қавволон, чолибон, сурудчи;

–б е в о с и т а мусиқа асари ижодкори: муаллиф, мусанниф, мулаҳҳин, боғловчи (бастакор), боғлабон, амалон, амалчи; нағмасоз;

–мусиқа асари яратишга ундаш, даъват: боғла, боғлаган, туз, тузубон, кўргуз, кўрсат, айлагин, айлабон, тутгил, тут, суруд чекиб;

–муайян мавзу ва мазмундаги мусиқа асарлари: Қумри лаҳни, лаҳни нўшо-нўшо, лаҳни Барбад, Ҳудий Лаҳни, Навоий лаҳни, «Тегди ғизол», «Ҳей тулугим», миатайин, аёлғу, бозгўй, сувора, тарона, чинга, базму, тараб;

Ишончимиз комилки, келтирилган атамалар доираси Алишер Навоий бадииятида бундан ҳам кенг қамровда қўлланган. Бу жиҳатни тадқиқ қилишга бел боғлаган зукко мусиқашунос унинг янги-янги қирраларини топиши муқаррар. Қарангки, шоиримизнинг ўзи, ўспиринлик чоғларида ёза бошлаган «Бадоеъ улвасад»нинг илк ғазалларидан бирини қуйидаги мисралар билан бошлайди:

**Эй, навбаҳори оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво,**
**Андин гулу булбул топиб – юз барг бирла минг наво.**

Ҳазрат Навоий ижодида бундан ҳам ёрқинроқ том маъноли назмий фикр баёнидан м у с и қ и й теран жумла ва хулосаларга равон ўтиш (ўзгача модуляция)лар ҳоллари сон-саноқсиздир. Қолаверса, Навоий ўз назмий-бадиий тафаккуридаги мусиқий нисбатлар, мажозий ўхшатишлар, тугал, яхлит образлар қиёфасини гавдалантиришда мусиқий бўёқлар, мусиқий сифатловлардан ҳам кенг фойдаланган. Масалан, «Сабъаи сайёр» достонидаги бош қаҳрамон Дилоромни чанг созисиз, куй-қўшиқсиз ёки айни шу асарнинг еттинчи иқлимида хоразмлик мусофирни «илми адвору фанни мусиқий»сиз тасаввур этиб бўлмайди.

Навоий бевосита мусиқа билан боғлиқ илмий ва қисман бадиий асарларини ҳаётининг сўнгги ўн йили, яъни 1490-1500 йилларда, демакки, ижодий баркамол, маҳорати авж палласига кўтарилган бир даврда яратган. Булар «Мажолис ун-нафоис» (1491), «Мезон ул-авзон» (1492), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» (1493) ва, ниҳоят, «Маҳбуб ул-қулуб» (1501) каби бирибиридан теран, мазмунан кенг қамровли, фалсафий кузатувлар, мушоҳадали хулосаларга бой асарлардир.

Навоийнинг минглаб ғазаллари орасида, айнан илмий-бадиийлиги билан биз учун ниҳоятда ноёб, яъни шоирнинг ўзига хос «М у ғ а н н и й н о м а»си эса ушбу ғазалдир:

**Эй муғанний, ёр базмида наво соз айласанг,**
**Жон фидонг ўлсун ғамим шарҳидан оғоз айласанг.**
**Уддек куймаклигим шарҳ эт лисони ҳол ила,**
**Нағмада удунг лисонин ҳажрипардоз айласанг.**
**Ўзга оламдин хабар деб, бизни тургуздинг не тонг,**
**Бу рисолат бирла гар наҳори эъжоз айласанг.**
**Розим ар созинг лисонидин баъидул фаҳм эса,**
**Анга руҳафзо унунгни доғи ҳамроз айласанг.**
**Отланиб бошимни рахшингнинг аёғи остига,**
**Тийғ бирла соғудек масти сарандоз айласанг.**
**Парда ёп роз узрау доҳил бўл ушбу базм аро,**
**Ким эрур хориж агар бепарда овоз айласанг.**
**Чекмадинг лаҳни Навоий кўнглун истаб айб эмас,**
**Англаб ўзунгни наво аҳлиға шаҳноз айласанг.**

Фикримизча, ушбу изчил, бири-биридан теранлаштирилиб баёнланаётган назмий ва шубҳасиз, мусиқий-семантик тафаккур мажмуи, юқорида номлари келтирилган тўртта илмий-бадиий асарига ҳам маънодошдир. Хусусан, «Мажолис ун-нафоис»даги саккиз мажлиснинг ҳар бирида у ёки бу санъатга дахлдор ўнлаб шахслар ҳақида ишонарли маълумотлар ўрин олган. Қизиғи, Навоий ниҳоятда қисқа, баъзан бир-икки сўз, жумла воситасида муайян инсонга тўлиқ касбий таъриф беради. Меъморлар ва мусаввирлар, наққошу заргарлар шу тариқа Навоий зикридан ўтишади. Темур Кўрагон (Соҳибқирон Амир Темур)дан бошланиб, жами 22 темурийга бағишланган еттинчи мажлисда, уларнинг айни маданият, санъат ва умуман маънавиятга муносабатлари Навоий диққат-эътиборидан четда қолмайди. Жумладан, дастлаб Амир Темур ғазабини қўзғотган Хожа Абдулқодир Мароғий, Мавлоно Муҳаммад Кохий ва Устод Қутб Нойилар қисмати (ўлимга ҳукм) ва Хожанинг «филҳол бийик ун била қуръон» тиловатидан сўнг, дили юмшаган Соҳибқирон кечиримини олганлиги ҳамда унинг «олий мажлисда надим ва мулозим» қилинганлиги ҳикоя қилинади. Мажлиснинг Бойсунғур Мирзога ажратилган саҳифаларида эса қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Хаттот ва созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин ороға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ зомонида пайдо бўлмиш бўлғай».

Ушбу асарда каминанинг қизиқишини уйғотаётган шахслар – Мавлоно Соҳиб Балхий («Чаҳоргоҳ» амали машҳур), Хожа Юсуф Бурҳон («Исфаҳон» амали муаллифи), бир қатор савт, яхши нақшлар яратган Ҳофиз Шарбатий (Навоийнинг энг яқин дўстларидан), Ушшоқ, Наво ва Ҳусайний пардаларидаги пешрав, кор, қавл амаллари билан танилган Устод Қулмуҳаммад, бевосита Навоий ғазалларига куй басталаган Хожа Абдуллоҳ Марворидниинг акаси – Хожа Абдуллоҳ Садр, Абдураҳмон Жомийнинг иниси Муҳаммад Жомий (адвор ва мусиқий илмида моҳир)лардир. Зеро, уларнинг аксарияти ижрочилик ва мусиқашуносликда, энг қобилиятлилари эса бастакорликда ҳам ном чиқаришган.

Заҳириддин Бобур таъбири билан айтганда– «яхши н а қ ш л а р и (яъни ашула йўллари – Т.Ғ.) ва п е ш р а в л а р и (чолғу куйлари)» билан танилган Алишер Навоий ҳазратлари «Мажолис ун-нафоис»да ўттизга яқин мусиқага алоқадор ўтмишдошлари ва замондошлари ҳақида ёзар экан, айрим жойларда форсий «бастакор, басталаш, басталаб» сўзлари ўрнига аслан туркий «боғлабдур, боғлаш, боғлабдурким» атамаларини қўллайди. Масалан, Мавлоно Соҳиб Балхий, устози Хожа Юсуф Бурҳонларга нисбат берилган ўринларда туркий атамаларни қайта-қайта ишлатади.

Алишер Навоийнинг қарийб қирқ йиллик дўстига бағишланган «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»да ҳам бу ўта фаол ижодкорнинг мусиқа бобидаги ютуқларига доир маълумотларда «боғлабдурким», «боғланиб», «боғлабдурки» атамалари кенг қўлланган. Ўз дўстининг Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Соҳиб Балхий, Хожа Юсуф Андижонийлар таснифотига муқобил ва ҳатто «аларнинг кўпридин ҳам хушгўйроқ ва ҳам хушхон» асарларига умумий бир тарзда баҳо бературиб, Мир Алишер бобомиз бу санъаткорнинг «Чаҳоргоҳ», «Сегоҳ» амал(ашула йўл)лари ва «тегди ғизол» шўъбасидаги м у с т а қ и л бозгўйларини алоҳида эътимод билан эътироф этади, «халойиқ орасида машҳурдур» дея суюнади. Демак, болалик чоғларидан аллома Хожа Юсуф Бурҳондек бастакорга шогирд тушган, бутун фаолияти давомида мусиқий-ижодий ж а р а ё н н и айни к а с б и й қизиқиш билан изчил кузатиб, аниқроғи зукко т и н г л о в и орқали теран англаб келган Навоий, бу соҳа аҳлининг энг моҳирлари ижодигагина ана шундай муқаддас – «боғлабдур», «боғлаб» каби юксак ибораларни қўллаган.

Яна ўзининг ва ўзгаларнинг ижодига ниҳоятда талабчанлик билан ёндошган Алишер Навоий атиги бир марта (бизга маълуми), у ҳам бўлса, энг яқин дўсти Ҳусайн Бойқаронинг 1469 йили тахтга ўтиришига атаб яратган туҳфаси – «Қасидаи ҳилолия»даги қуйидаги мисраларда бевосита ўз битикларига б о ғ л а н а ё т г а н (ҳозирги таъбир билан – басталанаётган) куй ҳақида ёзади:

**Соз этиб, чангу тузуб ул унга руҳ афзо суруд,**
**Ким малак кўнглига солиб ишқ ила май рағбатин.**
**Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеърига,**
**Ийд жашни хуш тутарға шоҳ базми ишратин.**

Мазкур сатрлар бир томондан, мусиқий-ижодий жараённи аниқ-таниқ ифодалаб берса, иккинчи томондан, Навоийнинг бутун «Хазойин ул-маоний» туркумидаги яккаю ягона қасидаси яралган вақт 1469 йилнинг Ийди рамазон арафасига тўғри келиб, Ҳусайн Бойқарога тахти бир ҳайитлик эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан ушбу хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, Алишер Навоий наинки шеърий шуурдан, балки унга кўп жиҳатдан маънодош ва муштарак бўлган мусиқий ифода воситаларидан нозик дид билан унумли фойдаланишда моҳир бўлган;

Иккинчидан, мусиқашунослигимизда бир қадар одат тусига кирган, яъни Алишер Навоий мусиқий атамаларга гўё фақат қофия нуқтаи назаридангина мурожаат этган, деган гапнинг ниҳоятда юзакилиги бугун аён бўлиб қолди.

Учинчидан, буюк сўз сеҳргарининг мусиқий тафаккури бадиий-мусиқий ҳамда илмий-мусиқий баёнлари орқали бир-бирини изчил тўлдириб, ўзаро чамбарчас б о ғ л и қ келиши даҳо шоиримиз илоҳий истеъдодининг яна бир қирраси сифатида намоён бўлаётир.

**Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ**

# 57 ЙИЛ ОЛДИН ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Ҳозирги ёшларни кўриб ҳавасим келади. Қандай бахтли замонда яшашаяпти улар. Юртимизда ҳамма нарса муҳайё, ўқиш учун, изланиш учун шароитлар етарли...

Бизнинг ёшлик давримиз жуда оғир йилларга тўғри келган эди. Айни ўйнаб-куладиган, ёр суюб ҳаёт нашъасини сурадиган пайтда тақдир бизни оғир синовларга дучор қилди...

1941 йили ҳарбий хизматга чақирилдим. Кўп ўтмай уруш бошланди. Дастлабки қонли жангларда қатнашдим. У кунларнинг даҳшатларини ҳали-ҳануз унутолмайман. 1941 йилнинг июлида бўлган жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб фашистлар қўлига тушиб қолдим. Улар бизни Германиянинг Вернберг шаҳрига олиб кетишди. Асрликдаги азобларни, қийноқларни ёзишга ожизман. Худо бу кунларни ҳеч банданинг бошига солмасин. 1945 йилнинг апрелида бизни озод қилишди. Ўша йилнинг ноябргача ҳарбий хизматда бўлдим. Ғалаба куни қувончдан, соғинчдан юракларим орзиқиб кетганди. Ўша пайт менда ғалати бир ҳол рўй берди. Худо дилимга солган, шекилли, саккиз қатор шеър ёздим. Бу ҳаётимдаги биринчи ва охирги шеърим бўлди. Уни «Ассалом, онажон!» деб номлаган эдим, ҳалигача ёнимда сақлайман. Шеър ёшлигимдан қолган нодир ёдгорлик бўлганлиги учун сизларга ҳеч қандай таҳрирсиз ҳавола қилмоқчиман:

*Ватанимдан ажралдим, оқди кўз ёшим.*
*Кўз тикарман қуёш чиққан элларим томон.*
*Ота-онам дийдорига тўймаган эдим,*
*Асирликдан бизни озод этдилар.*

*Бошимизда вабо қуши сайратган эди,*
*Олам излаб ажал тиғин қайратган эди.*
*Фалак мени мутлақ сиздан ажратган эди.*
*Омон қолган ўғлингиздан салом, Онажон!*

*22 май 1945 йил Вернберг.*

**Акрамхўжа МУЗАФФАРОВ**

# ЯХШИ АКТЁР ВА КАМТАР ИНСОН ЭДИ



*Ёднома*

У ҳамиша «Мен халқаро театр куни туғилганман. Театр туғилган кун – менинг ҳам туғилган куним», дея ҳазиллашарди. Ҳақиқатан ҳам, у саҳна учун туғилганди, ўзи севган театрга содиқ қолди, унинг ривожи учун меҳнат қилиб яшади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Тўхтабоева 1951 йилнинг 27 мартида Андижон шаҳрида таваллуд топди. Зиёлилар оиласида ўсган қиз ҳақиқий мумтоз мусиқа санъатига меҳр-муҳаббат руҳида шаклланди ва камол топди.

Шоҳида Тўхтабоева ўзининг қисқа умри мобайнида ўзбек опера санъати тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилди, Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри саҳнасида кўплаб опера спектаклларида етакчи партияларни ижро этиб, бетакрор образлар яратди. У ўзбек миллий опералари билан бир қаторда, жаҳон мумтоз мусиқа санъати асарларини ҳам маҳорат билан ижро этди. «Майсаранинг иши» операсида Ойхон, «Дилором» операсида Дилором, «Зебуннисо»да Зебуннисо, «Евгений Онегин»да Татьяна, «Отелло»да Дездемона, «Мадам Баттерфлай»да Чио-чио-сан, «Кармен»да Микаэла партияларини алоҳида шукуҳ билан куйлади. Актрисанинг катта ижодий ютуқларидан бири В.Моцартнинг «Фигаронинг уйланиши» операсидаги графиня Разина образидир. Шоҳиданинг инсоний фазилатлари, ниҳоятда камтар, беғараз инсон бўлганлигини уни яқиндан билган кишилар яхши эслайдилар. Ўз табиатидан келиб чиқибми, унинг ижросидаги Татьяна улуғ рус шоири Пушкин таърифлаганидай, ҳис-ҳаяжонга бой, таъсирчан, маъсума қиз бўлиб гавдаланди. Зебуннисо-чи? Шоҳиданинг шоирона табиати ушбу партияга ҳам беихтиёр кўчган эди. «Мадам Баттерфлай» – япон гейшаси, раққоса қизнинг аянчли тақдири, унинг беғубор қалби Шоҳида ижросида ниҳоятда рангин тараннум этилди. Бу ҳақда ўз пайтида санъат шайдолари кўп вақтларгача тилдан тилга қўймай гапириб юрдилар...

Шоҳида Тўхтабоева ижодида дуэт жанри алоҳида ўрин тутади. Унинг Мавлуда Ўринбоева билан биргаликда айтган «Баҳор вальси», «Тошкентнома», «Баҳор келди» каби дуэтлари бунга мисол бўла олади.

У истеъдодли қўшиқчи бўлиши билан бирга, талабчан педагог ҳам эди. Айтишларича, у ниҳоятда беғараз, кўнглида заррача бахиллиги йўқ инсон бўлган. «Бу саҳна кимлардан қолмаган, у ҳаммамиздан қолади», деган сўзларини ҳамкасблари армон билан эслайдилар. Зеро, у ортиқча шон-шуҳратга интилмади. «Шоҳида опанинг юзидан сира табассум аримасди», дейди уни билганлар. Ҳаётидаги мушкул дақиқаларда ҳам тушкунликка тушмади. Сўнгги пайтларда оғир касаллик ўз исканжасига олса-да, умид уни сира тарк этмади. Яна жонажон саҳнасига қайтишни интиқлик билан кутди... Ҳа, ҳали унинг кўнглида орзулари мўл эди. Шоҳида баҳорни жўшиб куйларди. Ўзи ниҳоятда севган баҳор фаслида, ҳаётининг гуллаб-яшнаган даврида, эллик бир ёшида оламдан кўз юмди. На илож...

Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин, охирати обод бўлсин.

**Маъсума АҲМЕДОВА**

# СОЗИНИ САЙРАТАРДИ...

Моҳир созанда ва хонанда, иқтидорли бастакор ва мураббий Эргаш Шукруллаев санъат мухлислари орасида катта эътибор ва ҳурмат қозонган эди. «Шашмақом» ватани Бухорода таваллуд топган Эргаш ака ёшлигидан турли халқ йиғинлари ва тадбирларига бориб, ҳофизлар хонишию дорбозлар чиқишларини завқ билан томоша қилар эди. Шу боис, унда мусиқага қизиқиш жуда эрта уйғонди. Мактаб йилларидаёқ Шарқ мусиқа мактабига кириб, моҳир мураббий Нусрат Иноқовдан най бўйича сабоқ олди. Кейинчалик мақомдон устоз Нажмиддин Насриддинов синфида афғон рубоби бўйича ўқишни давом эттирди, Бухоро «Шашмақом»ининг мушкилот шўбаъларини тўлиқ ўрганишга эришди.

1936 йили Эргаш Шукруллаев ўзбек филармониясининг Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги созандалар ансамблида фаолиятини бошлади, Москвадаги адабиёт ва санъат кунларида қатнашди. 1941-1950 йилларда эса Тамарахоним раҳбарлигидаги ансамблда рубоб чалувчи сифатида ишлаб, иккинчи жаҳон уруши жангчилари ҳузурида бўлди.

Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари ва композиторлик факултетларини битирган Эргаш Шукруллаев миллий мусиқамиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. У миллий созларни такомиллаштириш мақсадида (М.Мирзаев билан ҳамкорликда) қашқар рубобининг тўртта ипак торини метал сим билан алмаштиришни ҳамда рубоб пардаларини хроматик тарзда ўрнатишни таклиф этиб, бунинг натижасида рубоб симларидаги товуш тебраниши тезлигини кўпайтиришга, овозининг анча тиниқ ва жарангдор чиқишига эришди. Муҳими, мазкур созда фақат миллий куйларни эмас, чет эл композиторларининг мусиқий асарларини ҳам нота асосида академик даражада ижро этиш имконияти туғилади. Бундан ташқари Эргаш Шукруллаев рубоб ижрочилигига янгича бир услубни —«чаппа зарб» ёки «тескари зарб»ни киритди.

Эргаш ака ўзи рубоб учун мослаштирган «Дутор баёти», «Роҳат», «Боғаро», уйғурча «Попури» сингари куйларни юқорида айтиб ўтилган мураккаб усулда ижро этарди. Санъаткорнинг созандалик маҳоратидан Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Кампучия, Таиланд, Вьетнам, Лаос сингари мамлакатлар санъат мухлислари ҳам баҳраманд бўлганлар. Устоз хушовоз хонанда ва моҳир раққос сифатида ҳам эл назарига тушган эди. У кўпгина концертларда «Лаган ўйини» рақси билан бирга, «Том бошида», «Кабобпаз», «Қайнона-келин можароси», қорақалпоқча «Бибигул», тожикча «Ёрам-ей, жонам», «Мафтунингман» кинофилмидаги «Сартарош», «Бир қизни учратдим» фильмидаги «Кўк чой» сингари ҳажвий қўшиқларни катта маҳорат билан ижро этарди. Ҳозир Радио ёзув фондида устоз ижро этган 30дан ортиқ қўшиқ сақланмоқда.

Тошкент давлат консерваторияси, Маданият институти, Низомий номидаги педагогика институтларида ўқитувчи бўлиб ишлар экан, Эргаш Шукруллаев кўплаб истеъдодли созанда-педагогларни тарбиялаб етиштирди. Республикамизнинг турли вилоят ва туманларида фаолият кўрсатаётган «Лола», «Зилола», «Олтин бошоқ», «Нурхон», «Қирққиз» халқ ансамбллари иштирокчилари ҳам Эргаш Шукруллаевни ўз устозлари сифатида хотирлайдилар.

Устознинг инсоний фазилатлари ҳақида у кишининг жияни, Бухоро санъат билим юрти ўқитувчиси Мурод Шукуров шундай дейди: «Эргаш ака табиатан ҳазил-мутойибага мойил, қалби пок, иродали инсон эдилар. У киши ўзи танимаган одам билан ҳам ҳазил-мутойиба қилиб, тезда иноқлашиб кетарди».

Э.Шукруллаев республика мусиқа санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони ҳамда орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Агар устоз ҳаёт бўлганларида, ҳозир 80 баҳорни қаршилаган бўлардилар. У кишининг хайрли ишларини муносиб шогирдлари давом эттирмоқда.

**Файзулла ТЎРАЕВ,**
**Бухоро давлат университети доценти**

*«Гап ёшда эмас, бошда», дейдилар. «Қари билганини пари билмас», деган доно мақол ҳам бор. Ҳар иккаласи ҳам ўз одамига нисбатан, ўз ўрнида тўғри. Шуниси ҳам ҳақиқатки, одам ёшлигидан бошли, яъни ўйлайдиган, фикрлайдиган бўлгани маъқул. Энди буниси Оллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқ. Ана шунда унинг қариганда билганини пари ҳам билмаслиги мумкин. Устод Матёқуб Қўшжонов билан суҳбатлашсангиз, китобларини ўқисангиз, у кишининг ҳар икки мақолда назарда тутилган хислатларга эга инсон эканига амин бўласиз.*

*Домланинг номи, адабиётшунослик илмимизга катта ҳисса бўлиб қўшилган салмоқли китоблари, мақолалари республикамиздаги ҳар бир адабиёт мухлисига яхши таниш. Алломанинг миллий адабиётимиз ҳақидаги тадқиқотлари Ўзбекистондан ташқариларда ҳам маълум. Устод Мустақиллик йиллари ҳар қачонгидан ҳам катта ғайрат-шижоат билан ижод қилмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида академик Қўшжоновнинг етти китоби босилиб чиқди: «Қодирий — эрксизлик қурбони», «Ўзбекнинг ўзлиги», «Дагиш», «Алам», «Дийдорнома», «Абдулла Орипов» (ҳаммуаллифликда), «Элим деб, юртим деб...». Бу китоблар адабиётшунослигимиз, насримиз ва публицистикамизга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Масалан, адиб Қўшжонов автобиографик трилогиясининг иккинчи китоби — «Алам» аввал оддий жангчи, кейин мерган (снайпер)нинг уруш хотираларидан иборат. Асарда лаънати уруш фронтнинг олдинги марраларида фашист билан яккама-якка жанг олиб борган инсон томонидан ҳаққоний, таъсирчан, синчковлик билан ҳикоя қилинади. Менинг назаримда, ўзбек адабиётида Иккинчи жаҳон уруши ҳақида бундай ҳалол, ростгўйлик билан ёзилган асар ҳали яратилгани йўқ...*

*Биз яқинда аллома, сон-саноқсиз ёшларнинг устози академик Матёқуб Қўшжонов хонадонида бўлиб, у кишининг босиб ўтган мазмундор ҳаёт йўли, адабиётшуносликдаги илк қадамлари, айрим машҳур китобларининг яратилиши тарихи, адабиётнинг муҳим муаммолари, танқидчиликнинг ривожланиш йўллари, ҳозирги аҳволи ва истиқболи, шахсий тажрибалари, устозлари, сафдошлари ва шогирдлари каби кўпчиликни қизиқтирган масалалар ҳақида суҳбатлашдик.*

**Академик Матёқуб ҚЎШЖОНОВ**

# ЕЛКАМ ЕР КЎРМАДИ...

—Мен гапимни шундай бошламоқчиман: ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги бугунги кунга — Мустақиллик йилларига келиб анча ўсди, улғайди, бойиди. Бир вақтлари, масалан, 40 — 50-йиллари адабий танқидчилик анча камбағал эди. Ҳозир эса адабиётимизнинг бу соҳаси катта ривожланиш йўлига чиқиб олди. Буни дадил, ишонч билан айтиш мумкин. Фикримнинг бир далили шундан иборатки, кейинги пайтлари адабиётшунослик ва адабий танқидчилик муаммолари тадқиқига бағишланган бир неча номзодлик, уч-тўртта докторлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди. Энг кейингиси адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов қаламига мансуб. Абдуғафурнинг диссертацияси «Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси. (XX асрнинг 80 — 90-йиллари материаллари асосида)» деб номланади. «Талқин» сўзи илгари адабиётшунослигимизда кўп ишлатилавермасди. Мана энди «талқин» сўзи фаол қўллана бошлади. Диссертация ёқлаш жараёни жуда яхши ўтди. Баҳслар, тортишувлар бўлди. Зал тўла одам катта қизиқиш билан эшитди.

Диссертация адабий танқидчилик назариясига бағишланганлиги билан янада қимматли. Илгариги тадқиқотларнинг ҳам қиммати бор, албатта. Уларни инкор этмоқчи эмасман. Бироқ Расулов тадқиқотининг қиммати шундаки, у адабий танқиднинг назариясини яратди.

***—Домла, танқидчиликдаги дастлабки қадамларингиз қандай бўлган эди? Бу соҳага қачон, қандай шароитда кириб келгансиз? Ҳаётда ажойиб соҳалар жуда кўп. Бироқ Сиз нега айнан шу машаққатли ва масъулиятли соҳа — адабий танқидни танладингиз. Сизнинг жавобларингиз кўпчилик учун жуда муҳим. Чунки танқидчиликни ўз тақдири деб биладиганлар учун ҳам, ҳаёт йўлини энди белгилаб олаётган ёшлар учун ҳам Сизнинг Умр ва Ижод йўлингиз ибрат, балки намуна бўлиши мумкин.***

—Мен урушдан кейин, 1946 — 1950 йиллари Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факултетида ўқиганман. Ўша пайтлари ҳамкурсларим мени, фикрлаш тарзимга қараб, файласуф бўлади, деб ўйлардилар. Ҳатто ўзим ҳам шу соҳага жуда мойил эдим. Воҳид Зоҳидов маърузаларини (у яхши лекция ўқирди) берилиб тинглардим. 80 соатлик маърузаларини ҳам ўзимизнинг курсда, ҳам рус гуруҳида ўтириб эшитганман. Шу тариқа, икки марта дарс тинглаб, тўла конспект қилганман. Ниҳоятда қизиқардим фалсафага. Фалсафага доир қийин-қийин китобларни ўқиб, конспектлаштириш ҳеч гап эмасди менга. Ундан кейин, тушунишимча, адабий танқидчилик ҳам фалсафага яқин соҳа. Шунинг учун бевосита фалсафа билан шуғулланмасдан адабий танқидчиликка ўтган бўлсам керак.

Учинчи курсда эдим. Белинский юбилейига бағишланган илмий конференция бўлди. Шу конференцияда рус тилида «Белинский Пушкин ҳақида» деган мавзуда доклад қилдим. Степан Лиходзиевский деган яхши олим бор эди. Ўша домла раҳбарлик қилган. Маърузамни матбуотда босиш учун тавсия этишган. Мақоланинг таҳририни Лиходзиевский зиммасига олганди. Лекин менинг бир хислатим бор эдики, матбуотдан жуда чўчирдим. Газета-журналларга яқинлаша олмасдим. Шу боис ҳалиги мақолани ҳали хом, тайёр эмас, деб редакцияларга олиб бормадим. Умуман, матбуот мен учун забт этиш қийин бўлган қалъа эди. Кейинлари, университетни битирганимдан сўнг ҳам узоқ вақтлар матбуотга яқинлашолмай юрдим.

Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи энди чиққан пайтлар эди. Шуни диплом ишимга мавзу қилиб олдим. Раҳбарим раҳматли Турсун Собиров эди. Диплом ишини ёзишим жуда қийин кечди. (Ўша пайтлари қийналиб ёзардим.) Эсимда: диплом ишини диалектик материализм қоидаларига асосланиб ёзганман. Ҳеч нарса чиқмаган. Сўнгра уни қайта тузатганман. Яна бўлмаган. Хуллас, диплом ишини уч қайта ёзганман. Натижа ёмон бўлмаган — «аъло» баҳо билан ўтган. Демоқчиманки, илмда бирданига тўғри йўлга тушиб кетган эмасман-да...

Университетни тамомлагач, партия ишига ўтиб кетганман. Ўқишни давом эттиришга соғлиғим имкон бермаган. Тўрт йил партия ишида ишлагач, «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодида сатира» деган мавзуда реферат ёздим. Ўша вақтда сатира жуда мода эди. «Бизга гоголлар, шчедринлар керак!» деган даъват бўларди. Менинг ишим ҳам шу даъват руҳида эди.

Кафедрада муҳокама қилишди. (Ўша пайтлари ҳам партиявий ишда, ҳам университетда ишлардим.) Реферат жуда яхши баҳоланди, оригинал иш, яхши иш, албатта матбуотда эълон қилиш керак, деб қарор чиқаришди. Шундан кейин ҳам мақолани матбуотга олиб боролмадим. Ҳали хом, матбуотда чиқиши мумкин эмас, деб ҳисобладим.

Кейин Москвага бориб Ижтимоий фанлар академиясига кириш учун саккизта рус билан бирга имтиҳон топширдим. Имтиҳонни топширдиму, бироқ ўзимни ўтмаган деб ҳисобладим. Ўзбекистонга қайтдим. Қарасам, бир куни, августнинг охирида телеграмма келиб турибди. Академияга ўтдингиз, етиб келинг, деган. Ҳар ўринга 8 киши тўғри келган кафедрага. Яхши ният билан имтиҳон топширгандиму лекин умидсизланиб қайтган эдим. Кейин маълум бўлдики, тўғри жавоб берган бўлсам керак, ўтибман.

Тўрт йил партия ишида ишлаб ҳам ўқишга чанқоқлигим сўнмаган экан, кечаю кундуз мутолаага берилдим. Кўпроқ Белинский, Чернишевский, Добролюбовни ўқидим. 1956 йили эса биринчи мақолам эълон қилинди.

***—Ўқишни нечанчи йили битиргандингиз?..***

—1950 йили...



М. Қўшжонов ва Ойбек.

***—Демак, дастлабки мақолангизни олти йилдан кейин эълон қилибсиз-да?***

—Ҳа. Шу тариқа, мен қирқ ёшга яқинлашиб қолганимда адабиётга кирганман; 37-38 ёшларимда биринчи мақоламни эълон қилганман...

«Ўзбекистон маданияти» газетаси ташкил этилиб, чиқа бошлаган пайтлар эди. Бўлимда Бердиали Имомов ишларди. Ўша кишининг таклифи билан Зафар Диёр ҳақидаги китобчага тақриз ёзганман. Шунда англадимки, матбуотда чиқаверсам бўларкан.

Яна бир қизиқ томони шу бўлдики, Москвада Белинскийни кўп ўқиганим учун ИФАда номзодлик диссертациям мавзуини «Белинский типиклик ҳақида» деб белгиладим. Кейинчалик бу мавзу ўзимга ёқмай қолди. Ўз устимдан ўзим ҳукм чиқардим: «Буни ёзсам, ўзбек адабиётига қай даражада хизмат қилган бўламан», деган фикрга келдим. Мавзуни ўзгартирдим: «Ойбек романларида характерларни тасвирлаш принциплари ва усуллари»...

*Кўпни кўрганлар ҳузурида*

Ишнинг биринчи бобини олти ой ёздим, қайта-қайта, албатта, рус тилида. Домламга кўрсатдим. Алексей Алексеевич Прямков «Ладно, годится», деди. Каникулга келдим. Қайтиб боргунимча, ёзганим ўзимга ёқмай қолди. Домламга айтдим. У: «Так, и я знал», деди. Қайта ёздим. Яна уч ой вақт сарфладим. Кейин шу биринчи боб муҳокамага қўйилди. «Қутлуғ қон» ҳақида, «Характернинг шаклланиши» деган сарлавҳали. Ишни Ёзувчилар уюшмасига тақризга жўнатишди. У ердан ёзувчи Лидия Бат тақриз ёзиб берди. Жуда яхши тақриз. Муҳокамада Игор Сергеевич Черноуцан деган профессор ўқитувчимиз бир гап айтди.Шу гап ҳалиям эсимда. Буни матбуотда айтиш ўнғайсиздир...

***—Айтаверинг-чи...***

—Бу — Қўшжоновнинг биринчи иши. Лекин танқидий ишнинг намунаси ("Образец критической работы»), деди. Жуда руҳланиб кетдим. Дарров Тошкентга, «Звезда Востока» журналига жўнатдим. Журнал тўхтатмасдан эълон қилди. Чиққани заҳоти «Правда Востока» газетасида Иззат Султоннинг мақоласи босилди, адабиётшунослик мақоласини мана бундай қилиб ёзадилар, деган маънода...

***—Бу энди 1957 йили бўлса керак...***

—Ҳа, шу йили бўлса керак... Мен адабиётга шу тарзда кириб келганман.

Бир нарсани шу ўринда қўшиб қўймоқчиман. Диссертация ёзаётганингда ҳам ишинг доимо юришавермайди. Айниқса, дастлабки пайтлари. Ишим юришмаса, мен иккита метод ишлатдим: биринчиси — ишимни тўхтатаман-да, Белинский, Чернишевский, Добролюбовни ўқийман. Кўпинча Добролюбов ёки Белинскийни. Бирор ҳафта ўқиганимдан кейин ишим юришиб кетади; иккинчиси шуки, диссертация ёзишни тўхтатаман-да, бошқа иш билан шуғулланаман.

Ўша пайтлари Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи чиққан эди. Илгари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Садриддин Айний романларигина бор эди, холос. Қодирий, Чўлпон романлари эса таъқиқланганди. Шу жиҳатдан Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи менга яхши роман бўлиб кўринди. Диссертацияни нарёққа суриб қўйиб, бир-икки ойни роман таҳлилига сарфладим. Мақола ёзиб, энди «Шарқ юлдўзи»га жўнатдим. Бу журнал ҳам мақоламни тўхтатмасдан эълон қилди. Мана шу 2-3 мақола билан адабиётшуносликка, танқидчиликка бир умр боғланиб қолдим.

***—Домла, шу ерда бир нарсани айтиб кетсангиз. Бу ҳақда илгарилари гаплашганмиз. Масалан, танқидий мақолаларимни ёзмасдан аввал Лев Толстойнинг кичикроқ ҳикояларини қайта ёзиб чиққанман, бошқа рус ёзувчиларининг ҳикояларини ҳам қайта ёзганман деган гапни айтгандингиз-да... Шу қандай бўлган. Ё мен янглишдимми?***

—Йўқ, тўғри... Тўғри гап. Ҳали айтдим-ку, адабиётга кириб келишим ниҳоятда қийин бўлган, деб. Энди бу ерда бир муҳим масала бор: асар таниш масаласи, асарни билиш, англаш масаласи. Бу ниҳоятда қийин масала бўлиб кўринди менга. Шунинг учун бир тажриба ўтказганман-да... Қани, ёзувчи қандай ёзаркан? Эплай оламанми ёзувчи сингари ёзишни? Эплай олсам, мендан бир иш чиқади, бўлмаса, ҳеч иш чиқмайди, деб ўйлаганман. Москвадалигимда баъзи асарларни ўқиб, сўнгра ёпиб қўйиб, шу асарни қайта ёзганман худди ўзидек қилиб. Жумлалариниям, диалоглариниям қоғозда қайта тиклаганман. Кейин ўзим ёзганимни қайта-қайта ўқиб кўрганман. Қай даражада тиклай олдим, деб. Бир рус тили ўқитувчимиз бўларди. Ўша кишига ҳам кўрсатиб олардим. Кўпроқ Толстойнинг, Достоевскийнинг ҳикояларини қайта ёзардим. Чехов ҳикояларини ёзиш ниҳоятда қийин. Чехов асосан диалог билан ёзади. Кўпроқ баёни бор ҳикояларни танлаб, қайта тиклардим. Шу юмуш менга асарни танишга, англаб олишга катта ёрдам берди. Менда ўзимга ишонч пайдо бўлди, ёза олишим мумкин экан, деган хулосага келдим.

***— Қайси ёзувчиларнинг қайси ҳикояларини қайта тиклаганингиз ёдингиздами?***

— Толстойнинг «Одамга неча газ ер керак?» ҳикоясини, Серафимовичнинг жуда кўп ҳикоялари, Горкийнинг «Челкаш», «Изергил кампир» ҳикояларини қайта ёзганман. Бу усулнинг фойдаси шу бўлдики, ёзувчилар услубларидаги фарқларни қийналмай ажратиб оладиган бўлдим. Яна бир жиҳатини айтай: мен қўллаган усул мунаққиднинг бадиий дидини ҳам шакллантириб, камол топтиради.

***—Мен ҳам ўқувчилик, талабалик йилларимда шеърлар, ҳикоялар ёзишга уринганман. Асар танишда, адабиёт моҳиятини тушунишда, ижодкор меҳнатининг оғирлигини ҳис қилиш ва баҳолашда, масъулиятни оширишда бундай уринишларнинг ҳам аҳамияти борга ўхшайди...***

—Масъулиятидан ташқари, бунинг машаққати бор. Машаққатнинг замирида роҳати бор! Бошқа одам тушуна олмаган нарсани тушуниб олсангиз, унинг роҳатининг ўлчови йўқ. Адабиёт шундай сеҳрли, жозибали, роҳатбахш дунё!

Мен аслида ўзимни матнчи ҳисоблайман. Матнни таҳлил қилсам роҳатланаман. Нуқтаси қаерда қўйилган, вергули-чи, қаерда қандай сўз ишлатилган, нега шу сўз ишлатилган, қайси эпизод қаерга киритилган, меъёр сақланганми ёки бузилганми — шулар бари мен учун муҳим, мени қизиқтиради. Ҳатто матндаги паузаларгача эътибор берилади. Матнда оҳангнинг ҳам ўрни катта... Бу ишнинг роҳатини шуни қиладиган одамгина билади. Бошқа бировлар учун матн устида ишлаш ёқмаслиги, беҳуда иш бўлиб кўриниши мумкин.

***— Суҳбатларимиздан бирида айтгандингизки, адабиётнинг катта бир муаммосини кўтарадиган мақола ёзиш учун аввал уч-тўртта тақриз битиш фойдали бўлади. Чунки фикрлар тўпланади, дегансиз...***

—Бу — жуда тўғри. Университетда дарс берган пайтларимда ҳам, кейин ҳам шу фикрни айтиб юраман. Учта-тўртта тақриз ёзиш — бир муаммоли мақолага материал беради. Тақриз — танқидчиликнинг, адабиётшуносликнинг ибтидоси, хоразмча айтганда, «сақаси» — қулоқбошисидир. Ҳамма иш тақриздан бошланади. Ахир, Белинскийнинг аксарият асарлари тақриз бўлгани бежиз эмас. Масалан, Пушкинга бағишланган асарларининг ҳам, Гоголга бағишланганларининг ҳам кўпчилиги тақриз...

***—Домла, сизнингча, мунаққид қандай бўлиши керак? Унинг ахлоқ кодекси қандай бўлиши даркор. Унга қандай талаблар қўйилиши мумкин?***

— «Танқид» деган сўз менга кўп ёқавермайди. «Мунаққид» сўзини ишлатган маъқул. Мунаққиднинг вазифаси — китобхоннинг дидини тарбиялаш, китобхонда адабиётга муҳаббат уйғотишдир. Унинг иши асарни қуруқ танқид қилишдан иборат эмас. Шундай бўлсинки, мунаққид адабий асарни таҳлил этиб берсин, ўқувчида асарни ўқишга муҳаббат уйғотсин. Муҳими шу!

Ўтган билимдонлар айтган эканларки, агар асар ғариб бўлса, уни танқид қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳолбуки, биз арзимас нарсаларни ҳам танқид этдик. Масалан, ўз тажрибамда ҳам бадиий заиф асарларни танқид остига олганман. Бошқа ёзувчилар масъулият сезсин, уларга ибрат бўлсин деб танқид қилганман. Бу, албатта, тўғри эди.

Бошқа бир парадокс бор. Ёзувчи асари ҳақида мулоҳаза билдирасан, фикр юритасан, кўп меҳнат сарфлайсан. Бироқ ёзувчи сени тўғри тушунмайди, ғарази бор, деб хафа бўлади, ёмон кўради. Ваҳоланки, бу ерда умумнинг манфаати — китобхоннинг манфаати асосий ўринда туриши шарт эди. Мен эса ўша адибни одам сифатида ҳурмат қиламан, меҳнаткашлигини қадрлайман, унга нисбатан ҳеч қандай ғаразим йўқ. Асарнинг бадиий заифлигини илмий далиллаб берганман, холос. Бироқ, ёзувчи буни тушунгиси келмайди. Тўғри танқидга бундай нотўғри муносабат адабиётнинг ривожланишига кўмаклашмаслиги маълум. Мунаққид билан ёзувчи бир эзгу ишни қилаётган одамлар сифатида бир-бирларини тўғри тушунишлари зарур. Фақат истеъдод даражаси паст қаламкашларгина танқидни тўғри тушунмайдилар, менингча.

Шу ўринда яна бир гап. Мен Ойбек акани ҳам, Абдулла акани ҳам қаттиқ танқид қилган пайтларим бўлган. Бироқ улар ҳеч қачон мендан ранжимаганлар, менга ҳурматларини заррача бўлса-да, камайтирмаганлар. Умуман, катта истеъдодлар бундай ишни қилмайдилар. Чунки истеъдодлар ўзларининг камчиликларини ўзлари яхши биладилар, ҳақиқатни тан оладилар. Энг асосийси — улар ҳалол ва мард одамлар бўладилар.

Китобхонларнинг эсларидадир, мен кўпгина асарларни қаттиқ танқид қилганман. Шулар қатори бир асарни ҳам қаттиқ танқид остига олганман. Бу — адиба Саида Зуннунованинг «Сўқмоқлар» номли асари. Қисса ҳақида «Аттанг!» сарлавҳали мақолам босилган «Ўзбекистон маданияти»да. Бу мақола замона зайли билан бўлган гап.

Ўша вақтлари Владимир Дудинцевнинг «Noннинг ўзигина ризқ-рўз бўлмайди» деган китоби чиқиб, қаттиқ танқид қилинган эди. Шундай тенденция ҳукмрон эди: жамиятнинг, тузумнинг камчиликларини айтиш ярамайди; кўпроқ ҳаётнинг ижобий томонларини акс эттириш зарур. Бу асосий принцип даражасига кўтарилган эди. Партиянинг шундай шиори бор эди. «Аттанг!» ана шу даъват асосида юзага келган.

Асарнинг ўзи бадиий жиҳатдан зўр бўлмаса-да, ҳаёт материали нуқтаи назаридан анча долзарб эди. Шуни айтишим мумкин. Умуман, асар ҳақидаги бу фикрга мен бугун келмаганман. Ўн йилча бурун келганман. Ҳатто бир шогирдим — Исроил Мирзаев проза муаммоларига доир докторлик диссертациясини ёқлаётганда ундан илтимос қилдим: мақолага бирон жойда танқидий муносабат билдириб кетинг, деб. Тўғри, холис гап айтилса зарари йўқ эди. Лекин у андиша қилди, шекилли, «Аттанг!»га танқидий фикр билдирмади. Мана, бугун ўзим айтаётирман...

*Давоми келгуси сонда.*

**Суҳбатдош: Маҳмуд САЪДИЙ**

# 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ











**«Донишмандлар бир марта туғиладилар, лекин икки марта яшайдилар». Бу ҳикматда теран маъно бор. Зотан, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Шуҳрат сингари XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин сиймолари, халқимизга «Қатра», «Хотирам синиқлари» сингари ўлмас шеърий обидаларни мерос қилиб қолдирган улуғ шоирамиз Зулфия, моҳир таржимон, устод сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор ҳақида юракдан битилган хотиралар муаллифи Кибриё Қаҳҳорова ана шундай — иккинчи умрини яшаётган азиз инсонлардир. Бу нурли адибларнинг доно, ўтли сўзлари миллион-миллион ўзбекнинг қалбини иситиб, юрагида яшамоқда, сафимизда туриб миллатимизнинг янги-янги авлодларини маърифатли каломлари билан тарбияламоқда. Чин инсонликнинг маъноси ҳам аслида шундан иборат.**

**Устоз адибларимиз яшаб, ижод қилган ўнйилликлар зулм, истибдод ҳукмрон бўлган мустабидлик даври эди. Бироқ ҳақиқий истеъдодлар ҳар қандай қаттол замонларда ҳам қалбларидаги эзгу туйғуларини, она халқининг орзу-армонларини ифодаловчи, инсонлик шаънини улуғловчи рост, некбин асарлар битадилар. Истеъдоднинг, ижодкорнинг асл табиати шундай! «Мирзо Улуғбек», «Сурат», «Навоий», «Томошабоғ», «Менинг ўғригина болам», «Ўтрор», «Олтин зангламас»... ана шундай шиддатли руҳнинг, миллат вужудидаги қудратли эрк, озодлик вулқонининг даракчилари янглиғ пайдо бўлдилар!**

**Шу боис ҳам, халқимиз, айниқса, бугунги авлод улуғ аждодларини ифтихор билан, улар олдида қарздорлик ҳисси билан эслайдилар, ўзларини, аъмолларини унутмайдилар.**









# ФАН ШОИРИ

Қадрдон дўстим, йирик адабиётшунос Муротбек Каримович Ҳамроев ғурур қилса арзийдиган машҳур олимлар сирасига киради. Бу инсон серқирра ижодкор – шоир ва таржимон, танқидчи ва адабиётшунос, олим ва устоз, жамоат арбоби ҳамда ажойиб раҳбар эди. У ўз ишининг устаси ва ҳар бир соҳа олдида турган масалаларнинг ечимини осонликча ҳал қила оладиган топқир, зукко инсон эди. Олим қисқа умр кўрганига қарамай, салмоқли илмий, адабий-бадиий ва педагогик мерос қолдириб кетди.



Муротбек Ҳамроевда шеъриятга қизиқиш жуда эрта уйғонди. У ўн икки ёшидан бошлаб шеърлар ёза бошлади. Ўқувчилик йиллари мамлакатга турк шоири Нозим Ҳикмат келаётганини газетадан ўқиб қолади ва унга шеърий мактуб йўллайди. Ёш шоирга жавобан мана бундай хат келади: «Салом, Мурот! Шеърларингни олдим. Улар жуда жўшқин, асосийси, қалбдан ёзилган. Ватанинг бахтига омон бўл».

Ушбу илиқ сўзлар ёш йигитчани илҳомлантириб юборади. Аммо ҳаёт ўзгача ҳукм чиқарди... Шунга қарамай шеърият Мурот Ҳамроевнинг дилида мустаҳкам ўрин эгаллаб қолди.

1954 йили М.Ҳамроев Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факултетига (уйғур-хитой бўлимига) ўқишга киради. Ўқув давридан бошлаб илмий жараёнга шўнғиб кетади, тадқиқотлар олиб боради, маърузалар билан анжуманларда иштирок этади.

Шу билан бир қаторда Муротбек Каримович бадиий ижод ва таржима билан ҳам шуғулланади. 1957 йили унинг илк шеърий асари нашр этилади, Хоразм вилоят театрида Д.Осимов ва А.Садировнинг «Анорхон» пиесаси уйғур тилидан рус тилига М.Ҳамроев томонидан таржима қилиниб, саҳнага қўйилади. Шу йилнинг ўзида ҳам тўпловчи, ҳам муаллиф сифатида Муротбек Ҳамроевнинг «Шинжон шоирлари» китоби босмага тайёрланади. 1958 йили олимнинг йирик илмий асарлари яратилади.

М.Ҳамроев Ўрта Осиё Давлат Университетини имтиёзли диплом билан тугатиб, Қозоғистон Фанлар Академияси қошидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга киради. 1961 йили номзодлик диссертациясини ёқлайди, уч йилдан сўнг эса докторлик унвонига эга бўлади. Унинг илк ижодий изланишларининг ўзиёқ ёш тадқиқотчининг адабиётшуносликда жуда мураккаб ва ҳали яхши ўрганилмаган муаммолардан бири – туркий халқлар адабиётида шеър шакллари муаммосига бағишланган эди. Жумладан, «Турк шеърияти шакллари асоси», «Уйғур мумтоз ва замонавий поэзиясида қофия» каби кўпгина илмий мақолаларида М.Ҳамроев шарқ шеъриятидаги асосий масалаларни қофия, вазн, бандлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этади. Қисқа давр ичида олим ўзини жиддий тадқиқотчи сифатида намоён қилади. Олим турк халқлари поэзиясининг туб моҳияти, уларнинг бир асосдан, тилдан келиб чиққанлиги борасида изланишлар олиб борди. Матндаги кўп тилликни яхши тушунган М.Ҳамроев адабиётшуносликда биринчи марта турк шеъриятини, унинг ўзаро мутаносиблигини чуқур ва кенг ёритиб берди. У туркий халқларнинг аниқ даврий адабиёти ҳақида маълумот бера олди, умумназарий манфаатни акс эттирувчи адабиётшунослик масаласига оид салмоқли фикрларини баён қилди. Нуфузли илмий ишлари М.Ҳамроевни таниқли шарқшунос олимлар қаторидан ўрин эгаллашига сабаб бўлди.

Муротбек Ҳамроев ва унинг ҳамкасблари томонидан уйғур мумтоз поэзияси антологияси – «Асрлар садоси» тузилди ва нашр этилди. Унда йигирма учта шоирдан ўн олтитаси биринчи марта жаҳон миқёсида танилди. М.Ҳамроев уйғур поэзияси кичик антологиясининг рус тилида нашрдан чиқишига ўз ҳиссасини қўшиб, бунда у нафақат тузувчи ва муаллиф, балки таржимон сифатида ҳам иштирок этади. Уйғур поэзияси антологияси ўзбек тилида ҳам тайёрланган, аммо у ҳали нашрдан чиқиб улгурмади. Ушбу нашрда М.Ҳамроев энди ўзбек тилига таржимон бўлади.

Фолклор олимни ҳар доим ўзига мафтун этиб келган. Кўп йиллар давомида М.Ҳамроев диққат билан халқ оғзаки ижодининг намуналарини ёзиб олади. Унинг ташаббуси билан илк маротаба «Уйғур топишмоқлари», «Уйғур латифалари», уйғур эртаклари, мақол ва маталлари матбуотда эълон қилинган. Олим уйғур адабиёти билан фолклор орасидаги боғлиқликни тадқиқ этади. Рус тилига уйғур латифаларини, мақол ва маталларини, топишмоқларини таржима қилган.

М.Ҳамроев кўпгина ёзувчи ва шоирлар ижодини ўрганибгина қолмай, балки ўзи ҳам қобилиятли шоир ва таржимон бўлган. Қардош халқлар ижоди олимни бу тилларда нафақат шеърлар ёзишга, балки уйғур, қозоқ, ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарларини таржима қилишга ундаган. Кўпгина уйғур мумтоз адабиёти намоёндалари М. Ҳамроев таржималари туфайли жаҳонга танилди. Залели, Билол Нозим, Новбати, Хиркати, Лутфулла Муталлип, Умар Муҳаммади ва бошқалар шулар жумласидандир.

Муротбек Каримовичнинг илмий-педагогик фаолияти ҳам серқирра бўлган. У бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дидактика ва дарс бериш методикасига оид илмий мақолалар муаллифидир.

М.Ҳамроев Ўзбекистон педагогика фанлари тараққиёти учун кўп ишлар қилган. Сўнгги етти йил давомида олим Т. Қориниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтига раҳбарлик қилган, республикамиздаги турли олий ўқув юртларида «Адабиёт назарияси», «Миллий ва хорижий адабиёт» курслари бўйича маърузалар ўқиган.

У 47 ёшида оламдан ўтди. Вафотидан кейин мен дўстим хотирасига шеър ёздим.

**Мен кўриб турибман,**
**Ер-осмон парчин.**
**Фарзандинг фиғони кўкларга ўрлар.**
**Бир ёнда ўзбеклар эгибди бошин,**
**Бир ёнда болам деб йиғлар уйғурлар.**
**Нима қилиб қўйдинг,**
**О, дўстим Мурод.**
**Наҳот ўлимда ҳам сен бўлдинг пеша,**
**У аҳду паймонлар бўлди-ку барбод,**
**Якка ов қиларкан ажал ҳамиша.**
**Минглаб йил ўтса ҳам осмон қаърида**
**Тўқнашмас фалакнинг икки тўзони.**
**Не бахтким, Ўзбекнинг мунис бағрида**
**Менга дўст бўлгандинг, уйғур ўғлони.**

**Нега яхшиларга нотанти ҳаёт,**
**Нега ғаним қолиб, дўст кетар нега?**
**Улуғ олим эдинг, ўзинг айт, Мурод,**
**Табиат ишига бормикин эга?**

**Нетай, жанозангга кечикдим ўзим,**
**Ногоҳ у зарбадан қолдим довдираб.**
**Кимга хитоб айлай, Мурод, азизим,**
**Бокурман қабрингга энди жавдираб.**

Оғир... Эслаш оғир. Аммо дўстлик, хотира ва шеърлар қолди. Мана шулар кўнгилга далда бўлади, холос.

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Халқ шоири**

# ДАРЁДЕК ИНСОН ЭДИ

Асқад акани ўйлаганимда раҳматлининг учта хислати ёдимга тушаверади. У киши донишманд эди. Ўзини аямайдиган заҳматкаш эди. Бировга озор бермайдиган ҳалим табиатли эди, ўзгалардан меҳрини, меҳнатини дариғ тутмас эди. Бобурнинг машҳур сатри бор: йўлни не билгай киши, то раҳнамо кўрсатмагай... Мен Асқад аканинг бевосита раҳнамолигида камол топиб, адабиётда маълум мавқега эга бўлган тенгдошларимни, укаларимни санаб беришим мумкин.

Асқад ака донишмандлиги туфайли заҳматкаш эди, ва ё аксинча, заҳматкаш бўлганлиги учун ҳам донишманд эди.

Устоз ҳамиша теша тегмаган, қулоққа ёқимли эшитиладиган янги гап топиб айтардилар. У кишининг шеърлари ё ҳикоялари, романларини эмас, кундалик мавзудаги мақоласини ўқиганда ҳам одам беихтиёр хаёлга толар, ҳайратга чўмарди. Бу – Асқад Мухторнинг бировга ўхшамаганлигида, ўз фикри, дунёқараши, фалсафаси борлигида. Дунёвий ва диний илмлар билимдони сифатида, шубҳасиз, Асқад ака ўз тенгдошлари орасида беназир эди. Фақат, замон зайлига кўра, у ўзини даҳрийнамо қилиб кўрсатишга мажбур эди.

Тақдирнинг мукофоти экан, бир неча йил Асқад аканинг ёнида, у кишининг ҳомийлигида ишлаш насиб этди. Камина у кишидан дунёга кўнгил кўзидан ташқари ақл кўзи билан қарашни ҳам ўргандим. Адиб уфқлар шайдоси эди. «Тепада турган одам уфқнинг ярмини кўради, тоғда турган одам уфқнинг давомини ҳам кўради», деб таълим берардилар. Асқад ака чиқиб олган тоғ, ўшанда, биз ёшлар учун етиб бўлмас армон эди.

Чуқур дарё тинч оқади. У киши тинч оқар дарёни эслатиб турарди. Дона-дона, бийрон сўзлашидан, фикрларининг теранлиги, ҳар бир калимасидан маъно уфуриб туришидан, такаллумининг тагдор ва чўғли бўлишидан. Ардоқли Зулфия опа бир мажлисда, мен Асқад билан гаплашсам, ўзимни маънавий бойиб қолгандек сезаман, деган эдилар.

Асқад аканинг гапи мўътабар эди, қандайдир маънода мезон эди. Бирор асар қўлёзмаси устида баҳс бўлиб қолса, «Асқад ўқидими?», «Асқад ака нима дебди?» каби саволлар туғиларди, бу табиий эди. Асар устозга маъқул келган бўлса, демак, босишга лойиқ.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. «Гулистон» журналида ишлардим. Асқад аканинг топшириғи билан Миртемир акадан шеър ундиргани тез-тез домланикига бориб тураман. Миртемир ака, ўн марта қоралаб, қайта-қайта ишлаган шеърини қизғаниб қўлимга тутқаздилар.

–Ҳали хомроқ, – дейди, – Асқадга айт, яхшилаб кўрсин.

Миртемир акадек сўз заргари ўз асарининг тақдирини ҳаммага ҳам ишониб топширавермас эди. Асқад акага суянарди, у кишининг зукколигини қадрларди.

Шоир Мамарасул Бобоев хокисор, камтар инсон эди, юракка чиппа ёпишадиган дилбар шеърлари кўп. У киши бир устоз тилидан шогирдига қарата, «олға юргин, аммо менинг ортимдан!» дейди. Асқад акани эслаб ўтирибману, шу сатр хаёлимда айланаверади. Сир эмас, жилд-жилд китоб ёзган баъзи бир ҳурматли акаларимиз ёшларнинг бошини силашга келганда... нима десам экан, ҳай, жиндай эринчакликми, лоқайдликми қилишарди. Улар ёш истеъдодларни тирсаклаб туртмасада, олдинга ўтишга қўймасди. Асқад ака, адабиёт – марди майдонники, марҳамат, зўр нарса ёзган ўз ўрнига чиқаверсин, деган принцип эгаси эди. Орқасидан келаётган ёшларни қўлтиқлаб олишни фарз, деб биларди. Бунақа жавонмардлик ўзининг қувваи ҳофизасига ишонган кишиларга хос бўлса керак.

Яна бир хотирот. Дўрмон. Асқад ака бироз хасталаниб ётибди. Гоҳо дала ҳовлисига кираман. «Юринг, дўстим, боғ айланамиз», дейди. (Устоз эркалаб, ўзидан ёшларни ҳам, баъзан, дўстим, дерди) Беш юз қадамлик текис йўлкани икки-уч бор айланамиз. Одатдагидек, нима қиляпсиз, деб сўрайди. Мен улуғ авлиё Аҳмад Яссавий ҳақида бир нарса ёзмоқчиман, тарих титкилаб, ўйланиб, безовталаниб юрибман, дейман. Асқад ака маслаҳат берди: «Яхши мавзу. Қутлуғ мавзу. Фақат Яссавий образини майдалаштирманг. Дунёга, даврга умумбашар кўзи билан қараш керак. Яссавийнинг фожиаси – азалий ва абадий фожиа, шуни очишга уриниг. Қамровни кенгроқ олинг».

Устознинг нимага шаъма қилаётганини англадим. Буни, кейинроқ, адибнинг кечалари уйқу қочганда битган қайдларида ҳам ўқидим. Келинг, уларни сиз билан бирга яна бир эслайлик.

Асқад ака дейди:

«Ўзингники эмас, ўзгаларнинг нодонлиги ҳам ёзишга ҳалақит беради".

«Бойликни бойлик қилган ўзимиз. Агар унга бунчалик сиғинмасак, у бир тийинга арзимасди».

«Ҳақиқат – худодир. Унинг борлигини ҳамма билади-ю, ўзини ҳеч ким кўрмаган».

«Худо инсонни бир умр бахт излаш азоби билан жазолаган».

«Агар от ўзида қанчалик куч борлигини билганида эди, тушовлаб қўйишларига рози бўлмас эди»...

Асқад ака унутиб бўлмайдиган инсон эди. У кишини кўрган, билган одамлар тирик экан, бу азиз инсон ҳақидаги ёруғ хотиралар кўнгил тўрида ўтдай ёниб тураверади.

**Саъдулла СИЁЕВ**



# АСҚАД МУХТОР ЎГИТЛАРИ

Саксонинчи йилларнинг бошларида Асқад ака «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига бош муҳаррир бўлганларида мен бўлимда ишлардим ва устознинг суҳбатларидан бот-бот баҳраманд бўлиб турардим. Йиллар ўтиб, шу мулоқотлар асосида китобча ёзиш иштиёқи ҳам пайдо бўлди. Суҳбатни қоғозга тушириш жараёнида у кишининг китобларидан ҳам фойдаланган ўринларим бўлди.

Адабиёт, умуман, ижод ҳақидаги суҳбатимиз бу турур.

Дедим:

–Айтингчи, устоз, ижодкор учун энг муҳими нима: истеъдодми ёки тажриба?

Дедилар:

–Энг муҳими – ақл!

Дедим:

–Ёзувчи ёки шоир ижодининг мароқли нуқталари ҳақида гапирсангиз.

Дедилар:

–Энг муҳим асарим ҳали олдинда, деган ишончдан мароқлироғи борми? Шунинг учун ҳам ўтмишдан кўра келажак ҳақида гапириш завқлироқ бўлади.

Дедим:

–Айрим ижодкорлар, барьакс, ўтмишлари ҳақида мақтаниброқ гапиришлари ниманинг аломати?

Дедилар:

–Маънавий кексайишнинг.

Дедим:

–Бундан қандай қилиб фориғ бўлмоқ керак?

Дедилар:

–Ёшликдаги хатолардан йўл-йўлакай холос бўлган ютади, чунки кексаликнинг ўз қусурлари бўлади. Шу жумладан, андак мақтанчоқлик... Аслида хизматларни уларнинг ўзлари эмас, жамият эътироф этиб турмоғи керак. Яъни сиз билан биз.

Дедим:

–Шеърият анчайин эскирди, деган фикрга муносабатингиз?

Дедилар:

–Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон. Кейинги пайтда айнан даъвогарлар кўпайди. Истеъдодли шоир, яхши шеър эса ҳамон тақчил. Яхши шеър эса одамнинг яшаши, курашиши учун зарурдан зарур. Зеро:

**Бу дунё – жўн, ҳа, бўлгани шу.**
**Ҳамма нарса худди алифбо.**
**Дарё: икки қирғоқ орасида –**
**сув,**
**Шунчаки сув, сув $H_2O$.**
**.............................................**
**Қизлар – фақат қизлар**
**Қушлар фақат қушлар,**
**Севги – қўй, уёғин айтмадим.**
**Хуллас, шундоқ эди олам ва**
**ишлар.**
**Сени танимаган пайтларим**
**.............................................**
**Сени танимаган шўрликлар**
**аянч!**

Умуман, шеърият тақдири ҳақида фол бошласалар ёки уни ўзларича таҳлил қилсалар, ғашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо ундан кўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?

Дедим:

–Сиз Ватан ҳақида ўзгача ёздингиз...

Дедилар:

–Мен қитъалар, океанлар ошдим ва бот-бот Ватаннинг ҳатто тутуни ҳам хушбўй бўлишига имон келтирдим. Инчунин, Ватанидан ажралганларнинг ҳамма нарсадан жудо бўлганликларига шоҳид бўлдим.

Дедим:

–Истеъдоднинг ижодий формуласи борми?

Дедилар:

Қадимда бир донишманд айтган экан: «Мен вақтнинг нималигини биламан, аммо «Вақт нима» деб сўрашса, айтолмайман. Истеъдод ва ижод ҳам шунақа.

Дедим:

–Қалам аҳлига, энг аввало нимани ёзишни маслаҳат берардингиз?

Дедилар:

–Ҳақиқатни! Зеро, ҳақиқий ёзувчи ёлғонни тўқиса ҳамки, ҳақиқатни ёзади.

Дедим:

Ахир, ҳаммабоп ҳақиқат йўқ-ку!

Дедилар:

Ҳақиқат ҳақоратдай бўлиб туюлмаслиги учун уни асл матога ўраб беришни ўрганмоқ керак. Арча хушбўй бўлгани учун ҳам минг йил яшайди.

Дедим:

–Ҳайём рубоийларига қандай қарайсиз?

Дедилар:

–Илло, менимча, Умар Ҳайём рубоийлари фоний дунёнинг жавобсиз фарёдларидир. Умар Ҳайёмда инсоннинг Худодан бўлак умиди йўқ! Буни ҳис этмоқ учун юракда эътиқод ва ўт бўлмоғи керак.

Дедим:

–Умр ўтаяпти, вақт ўтаяпти – шогирдларга кўпроқ ёзишни маслаҳат берарсиз.

Дедилар:

Хўброқ ёзишни маслаҳат бераман. Вақт ўтаяпти, деймиз. Аслида бизнинг ўзимиз ўтаяпмиз.

**Нусрат РАҲМАТ**

# УЗУН ЙЎЛАКДАГИ ИККИ КИШИ

Бу воқеага энди кўп йил бўлди.

Узун йўлакнинг этак томонидан икки киши паст товушда сўзлашганча келаётган эди.

Хонадан чиқдиму уларни кўриб, терга ботдим... Аслида, мен биров учун хижолат чекмоқда эдим.

Ажойиб шоира Саида опанинг янги бир достони радиода берилиши дастурда эълон қилинган, лекин берилмай қолган эди.

Адабиёт бўлимида ишлардим. Кеча кутилмаганда бошлиқ чақиртириб:

–Буни ўқиёлмадим. Кейин берилар, – деди.

У ёмон одам эмасди. Обрўли арбоб ҳам эди. Аммо ўта эҳтиёткор. Ва муҳими, бировнинг ҳолини ҳис этмай, бизни қийнар эди.

Мен ёш, қайсар эдим. Талашиб-тортишардим. Бир гал кимнингдир асарини бўяш учун бошлиқ қўлига қизил қалам олганида:

–Қўйинг қаламни! – деб унга қаттиқ гапирган ҳам эдим.

Одатдагидек бўш келмай:

–Кўпчилик ўқиган. Яхши асар. Вақтида кетиши керак, – дедим.

–Кейин... кейин! – деди бошлиқ.

–Бўлмаса, – дедим кескин, – Саида опа билан Саид Аҳмад акага ўзингиз жавобини айтасиз.

Мана, бугун улар иккиси ғамгин ва паришон ҳолатда йўлакда судралиб келмоқда эди.

Ўшанда узоқ йиллар давом этган қама-қама, тазйиқ, эрксизлик даври ўтиб, илк қарашда эркинлик ҳукм сура бошлаган эди. Бироқ қора кунлар асорати ҳаётнинг устига соя ташлаб турарди. Қайсидир ёзувчининг асарини «тўхтатиш», номини рўйхатдан ўчириш оддий ҳол эди. Бундай пайтда яна орқага қараб сурингандек туюлиб, хаёли қочган ёзувчи тоқатсизланар, ҳатто унинг кўнглига баёнсиз ваҳм-қўрқув тушар эди.

Саид Аҳмад ака хонадони мен ҳикоя қилаётган кунга қадар етарлича зулм кўрган эди. Кейин ҳам...

Улар бошида кўп калтак синган эди. Айниқса, Саида опа!

Умуман, бу гўзал инсон, гўзал адибанинг қисқа ҳаёти, асосан, азоб-уқубат билан кечган эди. Халқ ичида шон-шуҳрат қозонганига қарамай, у тириклигида кам эътибор топган эди.

Одатда, севишганларга қараб улар бир-бирини севади, дейиш ортиқча. Бу уларнинг юриш-туриши, ранги-рўйида акс этади! Саид Аҳмад ака ва Саида опага ҳаётда кам учрайдиган муҳаббат буюрган эди... Мен аввалдан ҳикояни «Саид ва Саида» деб атаб, ишқ достонлари руҳида ёзмоқчи эдим-ку, ўзим ҳам ижодкор эканлигимдан, менга «ака», «опа» сўзларини ишлатмаслик одобсизлик бўлиб кўринди. Бунинг устига, воқеанинг равиши бироз бошқача эди... Қандай бўлмасин, улар хонадонини муҳаббат ва садоқат тутиб турар эди!

Мен уларнинг оддий бир ҳолатларда севиниб, ўзларини бахтли ҳис этишганини кузатганман.

Аниқ ишим йўқ эди. Суҳбатни давом эттиргани қолдим.

Бироқ тажрибали адибдан энди нималарнидир сўрамоқчи эдим, ошхонада куймаланаётган Саида опа хонага кириб келди. У чойни янгилаб, бўш курсига ўрнашди... Шу куни Саида опа негадир ўзининг ёшлиги, адабиётга илк қадам қўйган йиллари ҳақида гапирди. Ойбек домлани эслади. Улуғ адиб ўқувчилар билан бир учрашувдан сўнг, кеч пайти қиз бола йигитлар орасида турмасин, деб машина кабинасидаги ўз жойини унга бўшатиб берганини ҳикоя қилди. Саид Аҳмад ака гапга бирон марта ҳам аралашмади. У ўйчан, беозор жилмайиб, эҳтимолки, ўзига яхши таниш ҳикояни нечанчи бора диққат билан эшитмоқда эди. Мен уларга разм солиб, бутун йўлиққан бахтсизликларга қарамай, улар барибир, бахтли инсонлар, деб ўйлаганман.

Ўша куни ва кейинчалик учратганларимда Саида опадан бир умрга унутилмас сабоқ олганман. У ўзини содда, камтар тутар эди. Тасаввур қилинг.



Саида опанинг «Сўқмоқлар» асари аёвсиз «дўппосланганидан» озгина вақт ўтган эди, дорилфунунда учрашувга чақирганмиз. Қизиқ жойи, мана шу талабалар билан учрашувнинг ўзи бўлаётганию, бу ерга бирга келишганидан улар мамнундек эди. Мен Саида опанинг ирода кучига қойил қолганман. Ўша куни у ўзини оқлаш, бировлар билан баҳсга киришишни эп кўрмадими, фақат ўз ижоди, адабиёт ҳақида гапирди. «Ёзувчи торга ўхшайди. Ҳаёт қандай чертса, шундай янграйди. У ҳис этгани, ўйлаганини ёзади» қабилида осойишта сўзланди, холос. Саид Аҳмад ака эса ҳатто саҳнада гоҳ-гоҳ гапга аралашиб, ҳазилкашлик қилиб ўтирарди. Саида опа:

— «Сўқмоқлар»дан кейин... – дейиши билан, у:

— Тўқмоқлардан кейин...

Яна қайсидир йили Саид Аҳмад ака, ўзим ош қилиб бераман, деб бир неча ёш ижодкорни уйига чақирган эди. У баъзан шундай, ёшлар билан суҳбатлашиб, ҳар кимнинг даражасини англаб боришга уринади.

Дастурхон йиғиштирилгач, дўстларим бирин-кетин ишлари борлигини айтиб, ўринларидан туришди. Мен ҳам турдим.

–Сенинг ҳам ишинг борми?.. – деб сўради Саид Аҳмад ака.

Саида опа эски Ёзувчилар уюшмаси биносининг иккинчи қаватида бир курсида ўтирибди. Нимадир иш билан келган. Пастки қаватдан кимдир кўтарилса, ёши катта адибми, мендек бошловчими, у ҳар гал саломлашгани ўрнидан туради... Саида опа ёзувчининг ижодига нисбатан ҳам одамий хислатлари, инсоний қиёфасини юксак тутар эди. Биринчи ўринга қўяр эди! Унинг қони-қонида доим ҳақиқат, адолат туйғуси яшар эди. Саида опа қачондир, қаердадир исён кўтарса, ноҳақликка, қабоҳатга қарши исён кўтарган.

Мен бу кун олдинги авлод барча адиблар қатори Саид Аҳмад акани устоз дейман. Меҳрини туйиб, суҳбатидан баҳра топганман. Унинг баъзи бир асарларига муҳаррирлик қилганман. У ҳам айрим асарларимга эътибор берган. Сўнгги даврда ёзганларимдан «Кўзгу олдидаги одам» романимни эринмай қалам билан кўрган, таҳрир қилган. Шунга қарамай, мен Саид Аҳмад аканинг бевосита шогирди эмасман. Мен кўпроқ ўзимни Саида опанинг шогирди ва укаси, деб биламан.

**З И Н А Л А Р**

**Зиналар, зиналар, буюк зиналар,**
**Битта поғонангиз бўлсам кошкийди...**
Саида ЗУННУНОВА

**Қутлуғ зиналардан**
**юксалган инсон**
**Янада юксакка ўрласин деб йўл –**
**Ўзни қояларга уриб беомон,**
**Зинага айланиб қолгани маъқул.**

**Шоирлар авлоди чинакам зина,**
**Мақтаниб бўлмасми келгач хонаси.**
**Биз зина бўлмасак, терлаб озгина**
**Бўлармиз ҳар қалай бир поғонаси.**

**Опажон, мангудир шоирлар умри,**
**Уларга май берган умрзоқ соқий.**
**Шоир эҳтироси, дарди, кўз нури –**
**Унинг шеърияти ҳаётдек боқий.**

**Фахрланса арзир**
**ҳаяжон ва ҳис –**
**Ахир, мангу ёқар шоир қонини**
**Шоирлар қалбига киролмас Иблис.**
**Азроил ололмас улар жонини.**

Хўп.

Хаёлга берилиб, воқеадан бироз четлашдим.

Радиода достон тақдири нима бўлди?!

Узун йўлакда икки ҳурматли адибни учратгач, бошлиқ «тўрачилик» қилганини очиқ айтдим. Уларни тўғри бошлиқнинг ёнига бошлаб бордим.

Бизнинг қўлимиз билан иш тутишни ёқтирган, керак бўлса бошни кундага қўйишимизни истаган бошлиқ, улар бостириб келиши-ю, мен дадиллик қилишимни кутмаган эканми, сал саросималанди. Ниҳоят:

–Эртага бир вақт топиб, берамиз! – деди. Ўзи яхши кўрган қизил қалам билан рухсат маъносида матнга қўл қўйди.

Албатта, эртаси куни достон радиода берилди.

Лекин Саида опадан у туйиши мумкин бўлган суюнч тортиб олинган эди (буни ҳар қандай ижодкор ҳис этади).

Саида опага озор етиб, у бекордан икки кун изтироб чеккани қолди.

Ҳикоя шу. Икки оғиз илова.

Мана, энди, кўп йилдан сўнг, узун йўлакда Саид Аҳмад ака ёлғиз бораётганини тасаввур қиламан.

Унинг ёнида Саида опани гавдалантиргим келади.

Бунга эришолмайман.

Юрагимга бир ғусса чўкади...

**Омон МУХТОР**

**НАЗАРМАТ**

# ЭЛ БАҲОДИРИ

**(Генерал Собир Раҳимов хотирасига)**

**Баланд бўй, қоракўл папаги бошда,**
**Башар қолганида жангу талошда,**
**У олов умрини қўйди гаровга,**
**Шер бўлиб ташланди ялмоғиз ёвга,**
**Адолат қиличин тутиб қўлига,**
**Қалқон этди кўксин жанглар йўлига,**
**Папағли бошига ёвуз чанг солди,**
**У ёвни емириб, нур бўлиб қолди.**
**Туғилган Тошкенти, кўҳна Тахтапул**
**Дер: биз-ла бирга у – генерал ўғил,**
**У жондан севарди она юртини,**
**Боғларин, тоғларин файзу кўркини,**
**Севарди санъатни, қўшиқ, куйларни,**
**Ўзбекка ярашган улоқ-тўйларни.**
**Жангаро бир лаҳза ором олганда,**
**Сезар юрт соғинчин ёлғиз қолганда,**
**Дер: қайтсам жангтоҳдан бўлардим**
**боғбон,**
**Айлардим юртимни бетакрор бўстон.**
**У Умар фарзанди – эл баҳодири,**
**Бағрида асрайди она диёри!**

# ЎЗБЕКИСТОНИМ

**Замини серфайз, халқи бахтиёр,**
**Тарихи залворли, ўтмиши буюк.**
**Марду майдонларга макон ҳур диёр,**
**Гуллаган ҳар гўшанг ардоқли, суюк.**

**Буюк аждодларга доя бўлган юрт,**
**Сийнангда улғайган Темур, Улуғбек.**
**Ҳазрат Алишеру Бобур куйлаган**
**Шаънингни улуғлаб, эй, халқим – ўзбек.**

**Темур Малик, Маҳмуд Торобий,**
**Муқанна-ю Жалолиддинлар**
**Қиличидан ёв топди завол,**
**Маҳв бўлди не ғайридинлар.**

**Узоқ давом этди курашлар,**
**Қурбонлар ҳам кўп бўлди, шаксиз.**
**Истиқлолга кўз тикдик қанча –**
**Дилда ишонч эди-да чексиз.**

**Истиқлолинг муборак, юртим,**
**Кўз тегмасин бахтингга ҳеч ҳам.**
**Нурли йўлдан одимла илдам,**
**Хидай қилди сўзин яккалам.**

**Хидай ТОШПЎЛАТОВ,**
**1-гуруҳ уруш ногирони**

